# Тошкент оқшоми

2014 йил 19 декабрь, жума

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 245 (12.806)

Баҳоси эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




**2014 йил — Соғлом бола йили**

## МАҲАЛЛА — МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

***Тошкент Фотосуратлар уйида «Маҳалла – маънавият ўчоғи» фототанлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Бадиий академия, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фотоижодкорлар, фото санъати ихлосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов, Бадиий академия раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида маҳаллаларнинг жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш, нуфузини юксалтириш, миллий қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган кенг кўламли вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, юртимиздаги демократик ислоҳотлардан ҳар бир инсоннинг баҳрамандлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Мазкур фототанловни ташкил этишдан кўзланган мақсад маҳаллалар томонидан бу борада амалга оширилаётган эзгу ишларни ва ибратли тажрибаларни кенг тарғиб этиш, ёшларни миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашдан иборат.

Танловга ўттиз профессионал ва ҳаваскор фотоижодкор тўрт юзга яқин фотоасарини тақдим этди. Уларда миллий ва маънавий қадриятлар, миллатлараро тотувлик, яхши қўшничилик анъаналари, жамоатчилик комиссиялари, «Ота-оналар университети» тузилмаси, «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлик дастурининг ўзига хос йўналишлари ифода этилган.

– Халқимизнинг миллий қадриятлари, меҳр-оқибат муҳити, бахтли болалик лавҳалари акс этган фотосуратларимни тақдим этдим, – дейди Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси, танловнинг иккинчи ўрин соҳиби Бобур Олимхўжаев. – Ижодий ишларим эътироф этилганидан бахтиёрман. Бундай танловлар ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён этиши, устозларнинг ва тенгдошларининг ижодий изланишлари билан бевосита танишиш, тажриба алмашиш, маҳоратини ошириш учун катта имкониятдир.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат**

***Яқинда мамлакатимизнинг Бельгиядаги дипломатия ваколатхонасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

## БРЮССЕЛДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда Европа парламенти депутатлари, Европа Иттифоқи институтлари, Бельгиянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт ва ишбилармон доиралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси аъзолари иштирок этдилар.

Тадбир чоғида унинг қатнашчилари мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йиллари давомида ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида эришган муваффақиятлари билан танишар экан, уларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлгани алоҳида қайд этилди. Бош қонунимиз бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик тамойили таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдеворини яратиб берди.

Брифингда алоҳида таъкидланганидек, Бош қонун – бу мустаҳкам заминдирки, ўзбек халқи унга таянган ҳолда бозор иқтисодиётига асосланган янги адолатли жамиятни, суверен демократик ва дунёвий давлатни барпо этмоқда. Ўзбекистон бугунги кунда бутун дунёда тан олинган, «ўзбек модели» деб ном олган жамиятни тубдан ислоҳ этиш, эркинлаштириш, демократик янги давлат қуриш, уни модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган тараққиёт йўлини танлаб олди.

Тадбир қатнашчилари давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлиснинг роли ва аҳамияти сезиларли даражада кучайгани, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда мамлакат олий қонунчилик органининг имкониятлари кенгайгани билан боғлиқ маълумотлар билан ҳам атрофлича танишдилар. Қайд этилганидек, сиёсий партияларнинг етуклик даражаси, фуқароларнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, ушбу конституциявий ислоҳотларнинг энг муҳим асоси, уларни амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти ва гаровига айланмоқда.

Шунингдек, сайлов қонунчилигига киритилган, сайлаш эркинлиги ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий тамойилни амалга оширишга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида ҳам атрофлича фикр юритилди. Шу йил 21 декабрь куни Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган депутатлар сайлови Конституция ва сайлов қонунчилиги ва, ўз-ўзидан равшанки, халқаро демократик қонунчилик талабларига тўла мос тарзда ўтказиш имконини бериши тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Брифинг чоғида парламент фаолиятида аёлларнинг иштироки масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 33 нафари, Сенат аъзоларининг 15 нафари хотин-қизлардан иборат эканлиги мамлакат сиёсий ҳаётида аёлларнинг роли ошиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг чиқишлари тадбирнинг европалик иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Буни уларнинг брифинг натижалари юзасидан билдирган фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

«Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида **Европа парламентининг депутати (Италия) Фулвио Мартусиелло** Ўзбекистонда мамлакатни янада демократлаштириш масалаларига катта эътибор қаратилаётганини қайд этди.

— Мен Ўзбекистоннинг муваффақият билан ривожланиб бораётганини диққат билан кузатиб келаман, — деди у. — Мамлакатингиз ўз келажагини ўз модели асосида қурмоқда. Шуни алоҳида қайд этишни истар эдимки, республикада аҳолининг катта қисмини ташкил этадиган ёш авлод вакиллари баркамол voяга етишлари учун барча зарур шароитлар яратилган.

Ўзбекистонда таълим соҳасида кенг қамровли ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилгани изчил тараққиёт йўлида давлат томонидан мутлақо оқилона сиёсат юритилаётганидан далолат беради. Маълумки, ҳар қандай мамлакат тараққиёти малакали миллий кадрларнинг тайёрланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Европарламент депутати Конституциянинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталар экан, Асосий қонун мамлакатда демократия асосларини ҳимоя қилишини қайд этди. Унинг фикр билдиришича, ана шундай Бош қонунни қабул қилган ва унинг асосида яшаётган Ўзбекистон дунёнинг тараққий топган демократик давлатлари орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди.

**Геосиёсат масалалари бўйича мустақил эксперт Хильбрун Буйес** Ўзбекистон мустақиллиги йиллари давомида ҳам ижтимоий соҳада, ҳам ташқи сиёсат жабҳасида қай даражадаги салмоқли муваффақиятларни қўлга киритганига бугун яна бир карра ишонч ҳосил қилганини айтди.

— Мен Ўзбекистон Конституциясини диққат билан ўқиб чиққанимдан сўнг, шундай хулосага келдим: мамлакатингиз Бош қонуни замонавий ҳужжат ҳисобланади ва у демократик давлатчиликнинг умумэътироф этилган меъёрларига жавоб беради, — деди у. — Яна шунга ҳам ишончим комилки, ушбу асосий ҳужжат бундан кейин ҳам Ўзбекистоннинг мустақил равишда ишонч билан тараққий топишига хизмат қилади. Ўзбекистоннинг Бош қонуни замонавий демократик жамият барпо этаётган кўпгина давлатлар учун намуна бўла олади, деб ҳисоблайман.

**«Жаҳон» АА**
**Брюссель**

**Сайлов — 2014**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ — БАХТЛИ КЕЛАЖАК УЧУН

***Хабар қилинганидек, 2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш жараёнига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловни кузатиш бўйича миссиялари вакиллари, хорижий кузатувчилар, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов брифинг иштирокчиларига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

2014 йилда парламент ва жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шароитда ўтказилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, шунингдек, 2009 йилги парламент сайловини ўтказиш амалиёти ҳисобга олинган ҳолда мамлакатимизнинг Конституциясига ва сайлов қонунчилигига сайлов жараёнини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш бўйича ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

(Давоми 2-бетда)

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш учун мамлакатимизга кўплаб халқаро кузатувчилар, етакчи экспертлар келмоқда. Уларнинг айримлари ЎзА мухбирларига юртимиз ҳақидаги таассуротлари, сайловга кўрилган тайёргарлик тўғрисидаги фикрларини баён этди.***

**Сўз — халқаро кузатувчиларга**

## ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ РУҲИ БИЛАН ЯШАМОҚДА

**Жон ЖОНГ, «Mantel Holland» компанияси бош директори (Нидерландия):**

– Ўзбекистоннинг сайловга оид қонун ҳужжатлари билан танишиб, юртингизда халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган сайлов тизими яратилганига амин бўлдим. Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар мамлакатингизнинг демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги амалий ишларнинг давомидир.

Ўзбекистонга келиб, халқингиз сайлов руҳи билан яшаётганига гувоҳ бўлдим. Марказий сайлов комиссияси кенг ва режали фаолият юритмоқда. Бу сайловнинг кўнгилдагидек ўтишига хизмат қилади. Биз, кузатувчиларга сайлов куни ўзимиз истаган участкага бориб, сайлов жараёнларини кузатиш ҳуқуқи берилган. Бу сайловга тайёргарлик ишларини чуқурроқ ўрганиш учун жуда катта имкониятдир.

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамай Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Бу борада минтақада етакчи мамлакатлардан бўлган Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи муттасил ўсиб бораётгани юртингиз иқтисодий қудрати тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Бундай муваффақиятларда Ўзбекистонда тўғри ва оқилона юритилаётган сиёсат муҳим омил бўлмоқда.

**Евгений КОЗЯК, МДҲ Ижроия қўмитаси маслаҳатчиси:**

– Ўзбекистонда ўтказилаётган сайловларда халқаро кузатувчи сифатида учинчи бор иштирок этмоқдаман. Ҳар сафар сайловларни ташкил этиш савияси тобора юксалаётганига гувоҳ бўламан. Мамлакатингизда сайловга оид қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар тизим ривожида жуда муҳим қадам бўлган. Барча сайлов участкалари зарур воситалар билан жиҳозлангани, сайловчилар учун кенг имкониятлар яратилгани эътиборга молик.

Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотларини кузатиб бормоқдамиз. Номзодларнинг ўз тарғибот ва ташвиқотларини ўтказиши учун ҳар бир томонга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар ажратилгани диққатга сазовор.

Сайлов сабаб Ер юзининг сайқали – гўзал ва бетакрор Самарқандни зиёрат қилиб, руҳий қувват олдим. Бундай фусункор ва тарихга бой шаҳар дунёда жуда кам. Ўзбекистон, хусусан, Тошкент шаҳри йил сайин гўзаллашиб бораётганига гувоҳ бўлдим. Улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, муҳташам иншоотлар, кенг ва равон йўллар, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

**Абдулла ХЎЖА (АҚШ):**

– Ўзбекистонда сайлов жараёни изчил такомиллашиб бормоқда. Юртингизда Қонун устуворлигини таъминлаш, адолатни қарор топтириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ўз самараларини бераётир. Кўплаб мамлакатлар бу борада Ўзбекистондан ўрнак олса арзийди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг фаолияти, унинг аъзоларига Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 15 депутатлик мандати берилгани эътиборга молик. Бу атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларга қарши курашиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ишларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар самаралари кишини лол қолдиради.

**Госиа КОЗАЦУК, «Mantel Holland» компанияси менежери (Нидерландия):**

– Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча жабҳаларда, жумладан иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик каби соҳаларда улкан ютуқларга эришди. Халқ фаровонлиги муттасил юксалиб, мамлакатингизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ошмоқда. Бу давлатингиз танлаган миллий тараққиёт йўли ғоят тўғри эканига ёрқин мисолдир. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистонда парламент қуйи палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловларни ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдим. Ҳар бир мамлакатнинг миллий сайлов тизими бўлади. Ўзбекистоннинг мазкур соҳага оид қонун ҳужжатларида халқаро талабларга тўла жавоб берадиган барча зарур жиҳатлар акс этган.

**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида ўтказилган ҳудудий ўқув-семинари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик жараёнига бағишланди.**
- **Бухоро вилояти Жондор туманида янги барпо этилган туғруқ мажмуи ва капитал таъмирланган поликлиника бинолари фойдаланишга топширилди. Туғруқ мажмуида ҳомиладорликка оид касалликларни даволаш, туғруқ ва гинекология, жарроҳлик хоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш учун барча қулайликлар яратилган. Поликлиникадаги рақамли рентген аппарати ва ташхис жиҳозлари турли касалликларни эрта аниқлаш ҳамда беморларни амбулатория шароитида соғломлаштиришга хизмат қилади.**
- **Андижон шаҳрида Янги йил байрами арчалари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилди. Қайта ишлаш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичиликка ихтисослашган хўжаликлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётган ярмаркаларда она заминимизда етиштирилган саксонга яқин турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харидорларга таклиф этилаётир.**
- **Наманган вилояти Норин тумани Катта Ўлмас қишлоғида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Туман аҳолисининг ижтимоий-маданий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мароқли дам олишини ташкил этиш, ёш авлодни миллий ва жаҳон санъатининг нодир намуналаридан баҳраманд этишга хизмат қилувчи мазкур марказни бунёд қилиш учун 362 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.**

### ЖАҲОНДА

- **Кейинги икки кун давомида Япониянинг шимолий ва ғарбий қисмида ёққан қалин қор натижасида рўй берган бахтсиз ҳодисалар туфайли Ҳоккайдо оролида, шунингдек, Ниигита, Акита, Хиросима, Айти ва бошқа музофотларда 9 киши ҳаётдан кўз юмди.**
- **Илгари олимлар тахмин қилишганидан фарқли ўлароқ, Арктиканинг денгиз музи глобал исиш жараёнига кўпроқ чидамли экан. Зеро, Европанинг Cryosat сунъий йўлдошидан олинган охирги суратларнинг кўрсатишича, денгиз музи совуқроқ йиллар давомида қайта тикланиши мумкин. Олимлар шуни ҳам таъкидлашдики, музнинг қалинлиги тўғрисидаги ҳисоб-китоблар унинг майдонидан кўра кўпроқ музнинг эриши ёки тикланиши жараёни тўғрисида аниқ маълумот бериши мумкин.**
- **Германиянинг Потсдам шаҳридаги темир йўл вокзали атрофида қурилиш ишлари амалга оширилаётган пайтда иккинчи жаҳон уруши вақтига таалluқли 250 килограммли авиабомба топилди ва сапёрлар томонидан зарарсизлантирилди.**

Сайлов — 2014

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ — БАХТЛИ КЕЛАЖАК УЧУН

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, жаҳон амалиётида илк бор Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилди. Бу Марказий сайлов комиссиясининг бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказишини таъминлайди.

Марказий сайлов комиссияси сайловни юксак демократик даражада ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда кенг кўламли тайёргарлик ишларини амалга оширди. 2014 йил 12 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқди ҳамда тасдиқлади. Мазкур ҳужжатда барча тадбирларнинг аниқ вақти, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича муҳим талаблар ва мақсадли вазифалар белгиланди. Бу сайлов жараёнини юксак демократик даражада ташкил этиш, фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириши, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш имконини берди. Сайлов тўғрисидаги қонунчилик қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш, сайловчиларнинг сайловни ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнидан хабардорлигини ошириш бўйича самарали ишлар ташкил этилди.

2014 йилнинг 15 сентябрь куни мамлакатимиз парламенти қуйи палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов кампанияси бошланди. Брифинг иштирокчиларига 2014 йилги парламент сайловида Ўзбекистоннинг барча сиёсий партиялари иштирок этаётгани ҳақида маълум қилинди. Партияларнинг белгиланган муддатларда ўтказилган съезд ва қурултойларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Рўйхатга олинган номзодларнинг умумий сони 535 кишини ташкил этди. Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 135, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 132, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 134 ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 134 номзод кўрсатилди. Депутатликка рўйхатга олинган номзодлар умумий сонининг 31,8 фоизи хотин-қизлардан иборат.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати сайловларда иккинчи маротаба иштирок этмоқда. Сайлов қонунчилигига мувофиқ Экологик ҳаракатга парламент қуйи палатасида 15 ўрин ажратилган. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш бўйича конференцияси 21 декабрь куни бўлиб ўтади.

Брифингда сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар қонунчиликка қатъий риоя қилинган ҳолда очиқ ва ошкора ўтказилаётгани қайд этилди. Қонунчилик палатасига сайлов бўйича битта сайлов округида ўртача 154 минг сайловчи ҳисобга олинган ҳолда 135 сайлов округи, 9035 сайлов участкаси, шу жумладан Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси ташкил этилди. Ўтган йилларда сайлов кампаниясини ўтказишда тажрибага эга обрўли ва ҳурматга сазовор фуқаролардан иборат округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил этилди. Сайловчилар сони ҳамда округ ва участка сайлов комиссияларининг шахсий таркиби тўғрисидаги барча маълумот кўрсатилган округлар ва участкалар рўйхати матбуотда эълон қилинди.

Сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сайлов қонунчилигидаги янгиликлар билан таништириш мақсадида улар учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида туркум семинарлар ўтказилди. Айни пайтда барча сайлов участкалари сайловга тўлиқ тайёр. Сайлов участкалари барча зарур техника ва ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган. Махсус ажратилган биноларда яширин овоз бериш кабиналари жиҳозланган, сайлов қутилари ўрнатилган. Участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларнинг тўлиқ рўйхати тузилиб, унга 20,7 миллион фуқаронинг фамилияси киритилган. Барча сайловчилар овоз бериш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинди.

Қонунчиликка биноан сайлов куни ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчилар муддатидан олдин овоз беришмоқда. Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, участка сайлов комиссияси овоз беришни улар турган жойда ташкил этади. Муддатидан олдин овоз бериш 2014 йилнинг 11 декабрида бошланган ва 19 декабрида тугайди.

2014 йилнинг 15 ноябридан сайлов кампаниясининг муҳим босқичи – сайловолди ташвиқоти бошланди ва давом этмоқда. Сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилган. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун уларга давлат теле ва радиоканалларида бир хил эфир вақти ва босма оммавий ахборот воситаларида тенг босма майдони бепул ажратилди. Сиёсий партиялар вакиллари, депутатликка номзодларнинг чиқишлари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, сиёсий партиялар вакиллари ва депутатликка номзодлар ўтказилаётган теледебатларда ўз фикр-мулоҳазаларини ҳимоя қилмоқда, жонли баҳслар олиб бормоқда. Теледебатлар ҳар ҳафта марказий ва ҳудудий телеканаллар, шунингдек, нодавлат телеканалларда ўтказилмоқда.

Интернет имкониятлари, хусусан, ижтимоий тармоқлар, сиёсий партиялар веб-сайтлари, шунингдек, интернет-нашрлардан кенг фойдаланилмоқда. Мухтасар айтганда, энг муносиб номзодларни сайлаш мақсадида сайловчиларни сиёсий партияларнинг сайловолди платформалари, депутатликка номзодларнинг келажакдаги фаолияти, шахсий фазилатлари билан таништириш учун барча зарур шароит яратилган.

Сиёсий партиялар сайловчилар билан бевосита учрашувларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Сайловолди ташвиқоти бошлангандан буён партиялар томонидан жами 10 мингдан ортиқ шундай учрашув ўтказилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ташвиқот сайлов қонунчилиги талабларига қатъий мувофиқ равишда фаол олиб борилмоқда.

Брифингда сайловнинг очиқ ва ошкоралиги кузатувчилар иштирокида таъминланаётгани таъкидланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ва МДҲ кузатувчилар миссиялари фаолият олиб бормоқда. Яқин кунлар ичида уларга яна уч халқаро ташкилот – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари ҳам қўшилади. Марказий сайлов комиссияси томонидан Осиё, Европа, Африка ва Американинг қарийб 40 давлатидан яна 300 нафарга яқин кузатувчи рўйхатга олинди. Бундан ташқари, округ сайлов комиссиялари томонидан сиёсий партияларнинг 70 мингдан зиёд кузатувчилари ва ваколатли вакилларига тегишли мандатлар топширилди.

Ўзбекистонда сайлов жараёнини кенг ёритишда Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 нафардан зиёд вакили иштирок этмоқда. Уларни барча зарур ахборот материаллари билан таъминлаш учун 2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот маркази, вилоят сайлов комиссиялари ҳузурида ҳам шундай марказлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда брифинглар, матбуот анжуманлари, семинарлар ўтказилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси республика матбуот марказида 21 декабрь куни соат 13.00, 17.00 ва 22.00 да ўтказиладиган брифингларда кенг жамоатчиликни овоз бериш жараёни ҳақида хабардор қилади. Эртаси куни эса сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ўтказилишига саноқли кунлар қолди. Мамлакатимизда ушбу сиёсий тадбирни юксак савияда, миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида уюшқоқлик билан ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилди.***

# КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Пойтахтимизда ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 12, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 округ ҳамда 653 сайлов участкаси тузилиб, улар барча зарур техника воситалари, сайлов қонунчилигига оид адабиётлар билан таъминланди. Сайловчилар овоз бериши учун етарлича шарт-шароит яратилди.

Ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирда иштирок этадиган сайловчилар орасида ёши саксондан ошган отахону онахонлар ҳам бор.

Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида яшовчи меҳнат фахрийси Арипа ая Сайдусмонова улардан бири. «Хастимом» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Арипа ая бу йил 102 ёшни қарши олди.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонига мувофиқ кўп йиллар давомида юртимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги кунда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, юксак маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига катта ҳисса қўшиб келаётган 100 ёшдан ошган бир гуруҳ кексалар қатори Арипа ая ҳам «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Пиру бадавлат онахон юртимизнинг тинчлиги ва маъмурлигини ҳамма нарсадан устун қўяди. У 21 декабрда 263-сайлов участкасида ўзи танлаган номзодга овоз беради. Хастимом маҳалласида яшовчи 4 минг 400 аҳоли ушбу сиёсий жараёнда иштирок этади.

– Кексаларини улуғлаган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди, – дейди ЎзА мухбирига Арипа ая. – Президентимиз биз, кексаларга барча шарт-шароитни яратиб бермоқда. 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилингани бунинг яна бир далилидир. Илгари сайловларга одамлар ҳозиргидек қизиқмасди. Бир оилада неча киши овоз бериши керак бўлса, ҳаммасини бир одам бориб қутига ташлаб келаверарди. Очиғи, одамлар сайлов нима эканини мустақиллик йиллари тушуниб етди. Насиб этса, бўлажак сайловда номзодлар орасидан маъқулини танлаб, мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги учун масъулиятни ҳис этадиган номзод учун овоз берамиз. Биз сайлайдиган номзодлар эл-юрт равнақи, тинч ва осуда ҳаётимиз учун астойдил хизмат қилсин, деб дуо қиламан.

**Сайёра ШОЕВА**

# ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***Биз бугунги кунда бутун дунёда тан олинган, «ўзбек модели» деб ном олган жамиятимизни тубдан ислоҳ этиш, эркинлаштириш, демократик янги давлат қуриш, уни модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган тараққиёт йўлимизни танлаб олдик.***

Биз танлаган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар ҳаққоний ва самарали экани биз қураётган янги демократик тизимда, иқтисодиётимиз ривожланишининг барқарор, барчани ҳайратда қолдираётган суръатларида, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Ўтган даврда биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга қарамасдан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 5 баробар, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, мамлакатимиз аҳолиси бу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг 1 январида 31 миллион 500 минг кишини ташкил этганлиги, бундай улкан натижаларга эришганимизнинг исботидир.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаслиги, ички қарзимизнинг умуман йўқлиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан ошиб бораётганида ҳам эришган муваффақиятларимизнинг исботини кўриш қийин эмас.

Жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз ҳали-бери давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг саноқли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Янги – 2015 йилда ҳам ана шундай юксак ўсиш суръатлари кўзда тутилмоқда. Шунинг ўзи ҳам ривожланишга қўйилган катта қадамлардан биридир.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида таъкидлаганларидек, қўлга киритилган ютуқлар билан чегараланмасдан, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилмаслигимиз, аксинча, янги марралар сари интилишимиз, доимо изланиб яшашимиз, тараққиёт ва янгиланиш йўлидан изчиллик билан янада илгарилаб боришимиз зарур.

Ана шу фикр ва хулосалардан келиб чиққан ҳолда, 2010 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма йиғилишида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини, бошқача қилиб айтганда, ўзимизнинг узоқ ва давомли муддатга мўлжалланган стратегиямизни қабул қилдик, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтган давр мобайнида Концепцияда белгилаб берилган 27 та қонун, ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётимизга татбиқ этилмоқда.

Ушбу тузатишлар ва улар асосида қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда мамлакатимиз олий қонунчилик органининг имкониятларини кенгайтирди.

Албатта, Ўзбекистонда мустақил тараққиётимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ишлаб чиқаришни таркибий янгилаш, уни замонавий ва юқори технологиялар асосида жадал ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилганини қайд этиш ўринлидир.

Айнан туб таркибий ўзгаришлар, юқори технологияларга асосланган янги ва замонавий корхоналарни барпо этиш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини кенг миқёсда янгилаш ва модернизация қилиш борасида пухта ўйланган стратегия туфайли мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши 1991 йилдаги 14 фоиздан бугунги кунда қарийб 25 фоизга ўсди.

Шу йиллар мобайнида иқтисодиётимизнинг турли тармоқларидаги давлат мулки ҳисобланган 31 мингдан зиёд корхона хусусий мулкдорлар ва акциядорлар ихтиёрига берилди.

Қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат турларининг барчаси ва бошқа кўплаб тармоқлар деярли тўлиқ хусусий мулк соҳасига ўтказилди.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқараётган тўқимачилик, трикотаж, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика, мебель саноати, уй-жой секторида давлат мулкининг улуши кескин камайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг айнан ана шундай соҳа ва тармоқларида ўсиш суръатлари ва меҳнат унумдорлиги бошқа тармоқларга қараганда барқарор равишда юқори бўлиб келмоқда.

Шу билан бирга Президентимиз мамлакатимизда яхши анъана ва одатга айланиб қолган тажрибамиз асосида кириб келаётган янги – 2015 йилга ном бериш ҳақида ҳам тўхталиб ўтдилар.

Барчамизга яхши маълумки, мана шундай эзгу тадбирларни ўтказиш туфайли халқимизни янада жипслаштириш, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни, оилани янада мустаҳкамлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, оналарга чексиз меҳр ва эҳтиром сингари қадриятларнинг қадрланишини Юртбошимиз 2015 йилга Кексаларни эъзозлаш йили, деб ном берилиши билан эътироф этдилар.

Президентимизнинг мамлакатимизда барча соҳаларда эришилган ютуқлар, шу билан бирга ушбу соҳаларда келажакда қилинадиган ишлар ҳақида берган қимматли кўрсатмалари ҳаммамизни ўз зиммамиздаги масъулиятни янада оширишга даъват этади. Зеро, юртимизнинг келажаги порлоқ бўлиши ва унинг янада ривожланишида ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши зарур.

**Хамрабай РАЗАКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси**

***Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун бундай ташкилотлар демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.***

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Унда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди, дея хабар беради ЎзА.

Адлия вазирлиги жамоат, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар бошқармаси бошлиғи Х.Мелиев ва бошқалар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар, яъни қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва амалга оширилаётган ишлар туфайли бу борада ўзига хос миллий модель яратилганини таъкидлади. Бу моделнинг асосини эса Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» ғояси ташкил этади.

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотлари тобора ривожланаётир. Бунда уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кучайтирилгани алоҳида аҳамият касб этаётир.

Ўтган давр мобайнида фуқаролик жамияти институтлари қаторида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолият кўрсатиши учун ҳам мукаммал ҳуқуқий база яратилди. Асосий қонунимизга алоҳида «Жамоат бирлашмалари» деб номланган боб киритилган ва унда жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб берилиши мустаҳкамланган. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган.

Бу каби қонун ҳужжатлари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштиришга, фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат томонидан берилаётган кенг имтиёзлар, ННТларнинг мамлакатни модернизация қилишдаги ролини мустаҳкамлаш, шунингдек, қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши бўйича ўзаро фикр алмашилди.

**Н.АБДУРАИМОВА**

